

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОР ИСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОР ИСТИТУТИ

БЕКТАШЕВА АЗИЗА РАХМАТУЛЛАЕВНА

ТАРИҚАТ, МАЪРИФАТ ВА ШЕЪРИЯТ МУШТАРАКЛИГИ
(Шайх Нажмиддин Кубро ҳаёти ва ижоди мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Бекташева Азиза Рахматуллаевна

Тарикат, маърифат ва шеърият муштараклиги (Шайх Нажмиддин Кубро
ҳаёти ва ижоди мисолида)..... 3

Бекташева Азиза Рахматуллаевна

Единство ордена, ғносиса и поэзии (на примере жизни и творчества Шейха
Наджмиддина Кубро).....25

Bektasheva Aziza Raxmatullayevna

Generality of tarekat edukation and poetry (on example life and creature of Sheikh
Najmiddin Kubro).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

БЕКТАШЕВА АЗИЗА РАХМАТУЛЛАЕВНА

ТАРИҚАТ, МАЪРИФАТ ВА ШЕЪРИЯТ МУШТАРАКЛИГИ
(Шайх Нажмиддин Кубро ҳаёти ва ижоди мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фан доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Fil27 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) веб-саҳифанинг www.tai.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳаққулов Иброҳим Чориевич
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич
филология фанлари доктори, профессор

Муллаҳўжаева Каромат Тошҳўжаевна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи илмий муассаса:

Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи

Ҳимоя 2019 йил “___” _____ соат 14⁰⁰ да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uztafi@akademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 100170, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2019. йил “___” _____ да тарқатилди.
(2019 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Назаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., академик

Р.Баракаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

Н.Ф.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, филол.ф.д., академик

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида муайян миллат маънавий меросига улкан ҳисса қўшган ижодкорлар асарларини бирламчи кўлёзма манбалар асосида ўрганиш, уларнинг миллат мумтоз адабиётидаги ўрнини белгилаш ва адабий меросини авлодларга етказиш барча халқлар адабиётшунослигида анъанавийлик ва издошлик нуқтаи назаридан муҳим илмий-назарий ва амалий моҳият касб этади. Бу эса бадиий адабиётнинг қудрати ва имкониятларидан фойдаланган ҳолда инсониятга дахлдор мавзулар кўламини идрокнинг энг баланд чўққиларидан туриб ёритган истеъдодли адибларнинг ижодий меросини халққа етказиш ҳамма вақт долзарб аҳамият касб этганлиги билан изоҳланади.

Барча халқлар адабиётшунослигида бу борада амалга оширилаётган илмий изланишлар кўп йиллик тарихга эга бўлиб, мумтоз адабиёт хазинасини доимо янги манбалар билан тўлдириш ва бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз. Чунончи, ҳар бир халқ у ёки бу тарзда жаҳон маданияти ва тараққиётига улкан ҳисса қўшган йирик мутафаккирларига эга. Нажмиддин Кубро ҳам ўзбек халқининг шарқ тафаккури ва маърифати тарихидаги ана шундай забардаст намояндаларидан биридир. Дунёнинг бир қанча мамлакатларида Нажмиддин Кубронинг ҳаёти, фаолияти ва ижодий меросини манбалар ёрдамида ёритиш, кубравия тариқатининг тасаввуф тарихида тутган ўрни, айнаи вақтда кубравия адабиётининг тадрижий тараққиёти ҳақида хулосалар бериш юзасидан устувор йўналишларда илмий ишлар олиб борилмоқда.

Дунёга сиёсий-иқтисодий ютуқлари билан танилаётган Ўзбекистон ва ўзбек халқининг шуҳрати, албатта, бугун ёхуд куни кеча бошлангани йўқ. Ушбу ютуқлар аجدодлардан мерос мустаҳкам маънавий заминга эга бўлсагина миллат миллат сифатида ўзлигини бор бўй-басти билан намоён қила олади. «Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган улуғ аجدодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва, мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам, албатта, бўлади»¹. Юртимизда гарчанд Нажмиддин Кубро ҳаёти, тариқати, шеърляти ҳақида бирмунча илмий ишлар амалга оширилиб, рисоалари ва рубоийлари ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган бўлса-да, бугунгача унинг ҳаёти ва асарлари ҳақида монографик пландаги яхлит тадқиқот амалга оширилгани йўқ. Ҳолбуки, кубравия тариқати Ўрта Осиё заминида вужудга келиб, дунёнинг турли ўлкаларига кенг тармоқ ёза олган йирик бир тариқат эди. Ва бу тариқат асосчиси бутун умр илм талабидаги фавқуллодда ғайрати ва қатъияти, Ҳақ йўлидаги шижоати ва ватанпарварлиги билан жами башариятга буюк ўрнак бўлиб хизмат қилган, асарларига ҳар асрда такрор ва

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 4 август.

такрор мурожаат этилган, айни вақтда комиллик истаган ҳар қалбга чироқ тутган шахсият бўлиб, унинг ҳаёт йўлию мероси ҳар томонлама тадқиқ этилмоғи лозим эди. Албатта, бундай қўламдаги иш бир қанча тадқиқот объектидир. Ушбу тадқиқотимиздан кўзланган мақсад эса Нажмиддин Кубро илмий биографияси, тасаввуфий-адабий рисоалари ва ниҳоят, шеърятини имкон қадар ўрганишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқи ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Улуғ шайх ва шоир Нажмиддин Кубронинг ҳаёти, асарлари ва тариқати жаҳон олимлари томонидан XX асрнинг қарийб иккинчи чорагидан эътиборан изчил тадқиқ этиб келинмоқда². Шарқшунос олимлар Ф.Мейер, М.Моул, Е.Э.Бертельс, М.Муҳсиний, С.Демидов, Г.Снесарев, Ю.Зайдон, А.Ҳақиқат, Н.Ҳалимов, М.Қора, С.Оташ, С.Улудоғ, А.Пакетчи, М.Р.Исфандиёр, К.Муҳаммадий, М.И.Валей, Г.Корбин, Д.Девис ва С.Гўкбулут³ кабиларнинг асарлари шулар

² Нажмиддин Кубро ва кубравия тариқатига оид ғарб ва шарқ олимларининг элликка яқин илмий ишлари ҳақида атрофлича маълумот олиш учун қаранг: Gökbulut S. Necmeddin-i Kübrâ (hayatı, eserleri, görüşleri). İstanbul: İnsan yayınları, 2010. – S. 24–29.

³ Қаранг: Necmüddin Kübra. Tasavvufî hayat. Hazırlayan M. Kara. – İstanbul: Dergâh yayınları, 1996. – S. 11; Marjion Molé. Les Kubrawiya entre Sunnisme et Shiisme // Revue Des Etudes Islamiques. – 1961. – №29. – P. 61–142; Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. (Четверостишия шейха Наджм ад-дина Кубра). – С. 324–32; ўша муаллиф: (Роман о шейхе Наджм ад-дине Кубра). – С. 329–334; Муҳсиний М. Таҳқиқ дар ахволу осори Нажмиддин Кубро Увайси. – Техрон: Интишороти кутуби Эрон, 1967; Демидов С. Суфизм в Туркмении. – Ашхабад: Ўлим, 1978; Снесарев Г.П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – Москва: Наука, 1983; (2001 йилнинг май ойида Туркманистонда Нажмиддин Кубро ҳаёти ва ижодига бағишлаб халқаро конференция ўтказилди. Ушбу

жумласидандир. Эрон олими А.Пакетчи шайхнинг барча асарлари тўлиқ нашр этилмаганини, чоп этилганларининг эса ҳаммасида ҳам танқидий матн йўқлигини айтар экан, куброшуносликнинг ҳануз бошланғич савиядан илгариланганини таъкидлайди. Табиийки, тадқиқотчи Эронда ва бошқа хорижий ўлкаларда амалга оширилган илмий ишларни эътибордан соқит қилмаган.

Ўзбекистонда Нажмиддин Кубро шахсиятини кенгрок танитиш ва меросини нашрга тайёрлаб чоп этириш ишлари деярли истиқлолдан кейингина амалга оширила бошланди.

Таъкидлаш жоизки, рус олими Е.Э.Бертельснинг Нажмиддин Кубро ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотлари наинки ўзбек, балки дунё куброшунослигига бир туртки бўлиб хизмат қилганлиги рост⁴. Мустақиллигимизнинг тўртинчи йилида академик Э.Юсупов сўзбошиси билан Нажмиддин Кубро фаолиятига бағишланган махсус тўплам чоп этилди⁵. Истиқлол шарофати билан тасаввуф ва тасаввуф намояндаларига қараш ўзгарган, бу эса қатор тадқиқотларнинг яратилишига имкон очаётган эди. Профессор Н.Комиловнинг “Нажмиддин Кубро” рисоласи ҳам ана шундай тадқиқотлардандир⁶. 1997 йил эса Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети томонидан куброшуносликка доир яна бир тўплам нашр этилди⁷. 1998 йилга келиб академик А.Қаюмов масъул муҳаррирлигида шайх ҳаёти ва ижоди ҳақида навбатдаги мақолалар мажмуаси чоп этилди⁸. 2011

илмий анжуманда тақдим этилган мақолалар тўртта китоб ҳолида чоп этилиб, уларнинг иккинчисигина Ашхободда, қолгани Машҳадда нашр қилингандир. Биринчи китоб форс, қолганлари рус тилида. Иккинчи китобда ўзбек, туркман, эрон олимларининг йигирмадан ошиқ мақолалари жамланган. Учинчи китоб доктор Аҳмад Пакетчининг “Аналитический обзор основ мистицизма шейха Нажм Аддина Кубра” рисоласи бўлса, навбатдаги китоб шайхнинг айрим асарлари таснифига бағишланиб, Ислом маданияти ва алоқалари ташиқоти Ислом тадқиқоти қўмитаси томонидан Мухаммад Ризо Исфандиёр бошчилигида тартибланган. Учинчи китобда бир қанча эрон куброшунослари қатори Ю. Зайдон тадқиқотлари ҳақида ҳам маълумот бериб ўтилган. Қаранг: Пакетчи А. Аналитический обзор основ мистицизма шейха Нажм Аддина Кубра. Международная конференция посвящённая Шейху Наджм Аддину Кубра. 3-книга. – Мешхед: Культурный центр Посольства ИРИ в Туркменистане при участии Бюро исламских исследований, 2001. – С. 5; А. Ҳақиқатнинг “Сетораи бўзўрги Ирфон: Шайх Нажмиддин Кубро” (Техрон: Интишороти Баҳжат, 1385) номли йирик тадқиқоти ҳақида ҳам куброшунос С.Гўкбулут маълумот бериб ўтган. Авторефератнинг 2-ҳаволасига қаралсин; Ҳалимов Н. Туркменский народный роман о шейхе Наджм ад-дине Кубра // Международная конференция посвящённая Шейху Наджм Аддину Кубра. 2-книга. – Ашхабад: Культурный центр Посольства ИРИ в Туркменистане при участии Бюро исламских исследований 2001. – С. 32–38; Kara M. Türküstanın Diyarınyň Şuglasy Nejmeddin Kubra. – İstanbul: Hassa Mimarlık Mühendislik, 2008; Ateş S. İşarî tefsir okulu. – İstanbul: Yeni Ufuk Neşriyat, 1998; Türkiye Diyanet Vakfı İslâm ansiklopedisi (DİA). Cilt IV. – İstanbul, 1991. – S. 474–475; Ferideddin Attar. Tezkiretü’l Evliya. – İstanbul: Erdem Yayınları, 1991. – S. 12–13; Мухаммадий К. Нажми Кубро. – Техрон: Интишороти тархи нов, 1380; Waley M. I. Najm al-Din Kubrâ and the Central Asian Shool of Sufism (The Kubrawiyyah). – London: Islamic Spricuality Manifestations, Crossroad Publishing, 1991. II. – P. 80–104; ўша муаллиф: A Kubrawî Manual of Sufism: The Fusûs al âdâb of Yahya Bâkharzî. The Heritage of Sufism // Oneworld Publications. – England, 1999. II. – P. 289–310; Corbin H. The Man of Light in Iranian Sufizm. – New Lebanon: Omega Publications, 1994 ва D. Dewesse. The Eclipse of the Kubrawiyyah in Central Asia. Iranian Studies. 21-том. – 1-2-сонлар, 1988. – P. 45–83; ўша муаллиф: Baba Kamal Jandi and the Kubrawî Tradition among the Turks of Central Asia, Der Islam. T.71. – № 1. – 1994. – P. 58–94.

⁴ Бу ҳақда яна: Атаев С. Рубаи Наджм ад-дина Кубра // Международная конференция посвящённая Шейху Наджм Аддину Кубра. 2-книга. – Ашхабад: Культурный центр Посольства ИРИ в Туркменистане при участии Бюро исламских исследований 2001. – С. 13–16.

⁵ Қаранг: Шайх Нажмиддин Кубро. – Тошкент: Ёзувчи, 1995.

⁶ Қаранг: Комилов Н. Нажмиддин Кубро. – Тошкент: Халқ мероси, 1995.

⁷ Қаранг: Маърифат юлдузи. – Урганч: УДУ, 1997.

⁸ Қаранг: Шайх Нажмиддин Кубро – кутби даҳр. – Тошкент: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 1998.

йилда эса О.Сафарбоевнинг “Нажмиддин Кубронинг тасаввуфий таълимотида инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари” тадқиқоти амалга оширилди. Олимларимиз ва адибларимиз томонидан Нажмиддин Кубронинг нафақат ҳаёти ва фаолияти ўрганилди, балки насрий мероси билан бирга бадиий ижодига ҳам алоҳида аҳамият берилди. Илк бор Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол шайх рубоийларини ўзбек тилига таржима қилди ва 1988 йилда “Шарқ юлдузи”да нашр эттирди⁹. 1994 йил эса бу рубоийлар истеъдодли шоир Матназар Абдулҳаким таржимасида ҳам чоп этилди¹⁰. Филология фанлари номзоди, заҳматкаш таржимон Э.Очил ушбу рубоийларнинг учинчи таржимасини амалга оширди ва 1997 йилда нашр этди¹¹. Шундан сўнг шайхнинг насрий асари “Рисолатун анил-факрий”дан айрим боблар нашр қилинди¹². Сал ўтиб бу асар А.Ш.Жузжоний томонидан ўзбекчага тўлиқ ўгирилди ва оммага етказилди¹³. Фалсафа фанлари номзоди М.Қодиров Нажмиддин Кубронинг “Усул ал-ашара” рисоласига Абдурахмон Жомийнинг шогирди Абдулғафур Лорий томонидан ёзилган бир шарҳни – “Одоб уз-зокирин”ни, форс тилидан ўзбек тилига таржима қилди, китоб филология фанлари номзоди М.Сафарбоев сўзбошиси билан нашр этилди¹⁴. Ва ниҳоят, 2004 йилда диссертант адабиётшунос олим И.Ҳаққул билан ҳамкорликда шайхнинг уч рисоласи: “Усул ал-ашара”, “Рисола илал ҳоим” ва “Фавойиҳ ул-жамол” асарларини усмонли турк тилидан ўзбек тилига ўгириб, “Тасаввуфий ҳаёт” номи билан нашр эттирди¹⁵.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида амалга оширилган ФА – Ф1-Г039 “Алишер Навоий (икки жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш” тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси шайх Нажмиддин Кубронинг ҳаёти ва фаолиятини ёритиш, шунингдек, аксарияти хорижий ўлкаларда таржима этилиб нашр этилган ва маълум бир

⁹ Қаранг: Шайх Нажмиддин Кубро. Рубоийлар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1988. – 7-сон. – Б. 139–141; Яна: 333 рубоий. – Тошкент: Нур, 1991. – Б. 48–53.

¹⁰ Қаранг: Шайх Нажмиддин Кубро. Жамолнинг менга бас. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994.

¹¹ Қаранг: Очилов Э. Муборак сарчашмалар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 39–69; Яна: Ишқ дафтари. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 37–41.

¹² Қаранг: Шайх Нажмиддин Кубро. Фақирлик ҳақида рисола (Таржимон М.Маҳмуд). – Урганч: Хоразм, 1995. Асарнинг қўлёзма нусхалари Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланади.

¹³ Қаранг: Жузжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 61–104.

¹⁴ Қаранг: Шайх Нажмиддин Кубро. Шарҳи рисолайе одобул зокирин. – Урганч: Хоразм, 1997.

¹⁵ Қаранг: Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. Таъкидлаш жоизки, Шайх ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотлар булар билангина чеграланиб қолмади. Ўз ўрнида турли тўплам ва вақтли матбуотда ҳам ўнлаб мақолалар чоп этилди: Бухорий С.С. Буюк хоразмийлар. – Тошкент: Ўзғувчи, 1993. – Б. 3–7; Усмон О. Шайх Нажмиддин Кубро – Хоразмда мўғул истилосига қарши курашнинг ғоявий ва маънавий раҳбари // Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди. Мақолалар тўплами. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 78–84; Саидов У. Нажмиддин Кубро фалсафасида инсон талқини // Сино. – Техрон-Эрон: Бунёди андешаи исломи, 2001. – 3-сон. – Б. 44–46; Шариф Б.М. Ҳақдан халққа // Сино. – Техрон: Бунёди андешаи исломи, 2001. – 1-сон. – Б. 42–45; Қорабоев У. Н. Кубро ва унинг “латойиф” назарияси // Сино. – Техрон: Бунёди андешаи исломи, 2001. – 1-сон. ва – Б.46–47; Исҳоқова З. Нажмиддин Кубро. – Тошкент: Абу матбуот консалт, 2011.

қисми хануз қўлёзма ҳолича қолаётган илмий-адабий ва шеърий меросини махсус ўрганиш ва илмий истеъмолга киритишдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

асосан, бирламчи манбаларга таянилган ҳамда чет эл тадқиқотчилари асарларидан фойдаланилган ҳолда Нажмиддин Кубронинг манқабавий ва тарихий ҳаётини ёритиш ва илмий хулосалар бериш;

Нажмиддин Кубро тасаввуфий-адабий асарларининг хорижда сақланаётган қўлёзма нусхалари ва нашрлари ҳамда юртимизда мавжуд қўлёзма асарлари борасида муфассал маълумот бериш;

“Усул ал-ашара” (“Тасаввуфнинг ўн асоси”), “Рисола илал ҳоим” (“Маломат қилувчининг маломатидан кўрқувчи ошиқ рисоласи”), “Фавойих ул-жамол ва фавотиҳ ул-жалол” (“Жамол ифори ва жалол кашфи”), “Минҳож ус-соликин ва меърож ут-толибин” (“Солиқлар йўлчироғи ва толиблар меърожи”) асарларини илмий таҳлил қилиш, ҳозирга қадар мазмун-моҳияти кўпчиликка номаълум бўлиб келаётган “Рисола фил халва” (“Хилват рисоласи”), “Иршод ут-толибин” (“Толиблар раҳбари”), “Одоб ус-сўфия” (“Сўфийлар одоби”), “Жавоби нўҳ савол” (“Тўққиз саволга жавоб”), “Одоб ус-сулук ила Ҳазрати Малик ил-мулк ва Молик ил-мулук” (“Ҳазрати Мавлога сайрнинг одоблари”) каби ўндан ортиқ рисоалари ҳақида ҳам дастлабки тасаввур пайдо қилиш;

тариқат асосчисининг насрий асарлари, хусусан, “Тасаввуф ҳақида бир рисола”си орқали шайхнинг сўфиёна шеъриятга муносабатини белгилаш, шу билан бирга салафлар шеърияти билан Кубро асарларидаги ўзаро вобасталик қирраларини очиш;

шайхнинг бугун ўзбек ўқувчиси учун янгилик бўлган бир қатор форсча рубоийлари, фардлари, қитъалари ва арабча шеърларини таҳлилга тортиш.

Тадқиқотнинг объектини ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган “Маноқиб Шайх Нажмиддин Кубро” (7615/I инвентарь рақамли қўлёзма), “Манқабати Шайхи Кабир” (2069/II инвентарь рақамли қўлёзма) каби халқ китоблари, шунингдек, Шайхи Валитарош қаламига мансуб “Рисолайи фил фақр” (2956/X ва 10395/VIII инвентарь рақамли қўлёзмалар), “Иршод ут-толибин” (4613/VI инвентарь рақамли қўлёзма), “Ҳафт боби Шайх Нажмиддин Кубро дар одоби сулук” (9854/IX инвентарь рақамли қўлёзма), Истанбул (Туркия)нинг Сулаймония кутубхонасида сақланаётган “Тасаввуф ҳақида бир рисола” (1395 инвентарь рақамли қўлёзма)лари ҳамда айрим қўлёзма ва рисоаларда келтирилган шеърий парчалар, шунингдек, “Тасаввуфий ҳаёт” рисоалар тўплами, хорижда араб ва форс тилларидан таржима қилиниб чоп этилган бир қанча асарлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Нажмиддин Кубронинг илмий биографиясини ёритиш, тасаввуфий-ирфоний асарларининг тасаввуф адабиёти тарихида тутган ўрни ва аҳамиятини аниқлаш ҳамда насрий ва шеърий меросини мазмун-моҳиятига кўра таҳлил қилиш ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда илмий шарҳ, қиёсий-тарихий, тавсифлаш, системали ёндашув, назарий ва маърифий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Шайх Нажмиддин Кубронинг манқабавий ва тарихий ҳаёти ўттиздан ошиқ тарихий ва адабий манбалар асосида тикланиб, асарларидаги ҳаёти ва таълимотига оид факт ва маълумотларнинг мавҳум жиҳатлари ойдинлаштирилган;

шайхнинг дунё кутубхоналарида сақланаётган ўн тўртта асарининг тасаввуф адабиёти, ундаги рамз ва тимсолларни англашдаги аҳамияти очиб берилган;

Шайх Нажмиддин Кубронинг “Тасаввуф ҳақида бир рисола” асари асосида унинг сўфиёна шеъриятга муносабатлари аниқлаштирилган;

Кубро насрий асарлари ва шеърияти бадияти, улардаги бош қаҳрамон – Солик – Сайёр ҳаётидаги руҳий эврилишлар ва улардаги ранг билан боғлиқ ҳодисаларнинг бадиий ифодаланиши, тасаввуфий шеър рамзларининг моҳияти очиб берилган;

шайх асарларига таянган ҳолда аксар хориж куброшуносларининг Нажмиддин Кубро ҳаёти ва илмий меросига бағишланган тадқиқотларида тариқат асосчисини шиа мазҳабига боғлашлари асоссиз эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хоразмда тасаввуф жараёнининг айнан Нажмиддин Кубро саъй-ҳаракатлари билан тараққий топганлиги тарихий фактлар, тазкиралардаги маълумотлар ва Нажмиддин Кубронинг ўз асарлари асосида далилланган;

“Маноқиб Шайх Нажмиддин Кубро”даги образлар прототиплари ва “Манқабати Шайхи Кабир”нинг ёзма нусхалари аниқланган;

Нажмиддин Кубронинг юртимизда сақланаётган асарларининг қўлёзмалари тавсифланиб, мухтасар қиёсий шарҳланган;

мутасаввиф адибнинг турли номлар билан аталган, аслида, бир асари бўлган рисолаларига аниқлик киритилган;

Нажмиддин Кубро мероси деганда асосан унинг ирфоний-адабий асарлари назарда тутилган бўлса-да, Шайхи Валитарош ўз тасаввуфий қарашларини араб ва форс тилларида ёзган бир қатор шеърларида акс эттирганлиги, ишда таҳлилга тортилган айрим фард ва қитъаларнинг шарқ ва ғарб куброшунослиги учун ҳам янгилик эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг илмий шарҳ, қиёсий-тарихий, тавсифлаш, системали ёндашув, назарий ва маърифий таҳлил усуллари орқали асосланганлиги, бирламчи тарихий-адабий манбалардан ва ишончли илмий адабиётлардан фойдаланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда чиқарилган назарий хулосалар ўзбек адабиётшунослигида, хусусан, тасаввуф адабиёти тарихида Нажмиддин Кубро биографиясини яратишда, унинг ҳаёти ва ижоди бўйича мавжуд

маълумотларни кенгайтириш ва тўлдиришда қўл келади. Шайхнинг Ўрта Осиё тасаввуф тарихида тутган ўрни, шунингдек, кубравия тариқати вакилларининг адабиёт тарихига қўшган ҳиссалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ўзбек адабиёти тарихи, тасаввуф адабиёти тарихи фанларининг ривожига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишнинг материали ва умумлашма хулосаларидан ўзбек классик адабиётининг тараққиёт босқичларини ўрганиш ва тарихини яратишда, олий ўқув юртлари, коллежлар ва академик лицейлар ҳамда умумтаълим мактаблари учун шу фан бўйича дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига, олий ўқув юртларининг филология, тарих ва фалсафа факультетларида махсус курс, семинарлар ташкил этиш, маърузалар ўқишда салмоқли манба вазифасини ўтайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

“Тариқат, маърифат ва шеърият муштараклиги (Шайх Нажмиддин Кубронинг ҳаёти ва ижоди мисолида)” диссертациясидан олинган илмий хулосалардан Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган ФА-Ф1-Г039 “Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2019 йил 5 июлдаги №3/1255-1879-сон маълумотномаси). Натижада Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”, “Мажолис ун-нафоис”, “Лисон ут-тайр” ва “Девони Фоний” асарларида бир неча бора тилга олинган Шайх Нажмиддин Кубронинг илмий биографияси “Нажмиддин Кубро” персоналия илмий мақоласи асосини ташкил этган;

Нажмиддин Кубронинг халифалари, уларнинг илмий-ирфоний ва бадиий мероси ҳақида бугунга қадар мавжуд бўлмаган яхлит тасаввур қомуснинг “Кубравия шайхлари” қисмида диссертациядан келтирилган бир қатор маълумотлар асосида лойиҳанинг мазмунан бойитилишига сабаб бўлган;

Алишер Навоийнинг тасаввуфий қарашлари, жумладан, тариқатларга муносабатини ёритиш борасида эришилган натижалардан Тошкент давлат педагогика университетида амалга оширилган А-1-118 “Алишер Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 июлдаги №89-03-2717-сон маълумотномаси). Нажмиддин Кубро шахсияти ва кубравия тариқатининг Навоий ижодига таъсири масаласини илмий асослаб бериш, хусусан, кубравия адабиёти намояндалари ижоди ҳақида Навоий қарашларини насрий ва лирик асарлари асосида талқин этиш борасидаги натижалар мазкур лойиҳа илмий савиясининг ошишига кўмаклашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуман маърузаларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган. Шунингдек, иш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита экспертлик гуруҳининг ижобий хулосасига эга.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий мақола чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 8 та мақола нашр этилган. Улардан 3 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 163 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация уч бобдан иборат. **“Нажмиддин Кубронинг манқабавий ва тарихий ҳаёти”** деб номланган биринчи бобда, аввало, сўнгги хоразмшоҳлар салтанатидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий манзара мухтасар тарзда ёритишга ҳаракат қилинди. Манбаларда келтирилишича, хоразмшоҳ Отсиз (1127-1156) ҳижрий 536 йилги Хуросон сафаридан сўнг Хоразмни салжуклар пойтахти Марв билан бир даражага кўтариш, ундан-да юксалтириш истагида машҳур олимларни ўз юртига таклиф этади. Шу тариқа маҳаллий ва бошқа мамлакатлардан келган олимлар илмнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатадилар, Хоразм илм-маърифат ўчоғига айланади. Нажмиддин Кубро ана шу олимлар сарҳалқасининг йирик сиймосидир. У ануштегинийларнинг учта вакили: Отсиз, Такеш ва Қутбиддин Муҳаммадлар даврида яшаб фаолият юритган аллома эди. Айни вақтда халқ ўртасида тариқатни тарғиб ва ташвиқ этиш натижасида мингларча мурид ва муҳибларга соҳиб тасаввуф арбоби ҳам бўлганди. Шу боис ҳам унинг ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ўрганар эканмиз, уларни манқабавий ва тарихий дея ажратиш зарурияти туғилди. Зеро, куброшунослар ҳам шайх ҳақида маълумот берувчи тасаввуфий-адабий асарларни икки турга ажратишган. Бу таснифга кўра, биринчиси, Амир Иқбол Сейистонийнинг **“Чихил мажлис”**¹⁶ига таянган тазкира характеридаги асарлар бўлиб (Абдурахмон Жомийнинг **“Нафаҳот ул-унс”**¹⁷, Шустарийнинг **“Мажолис ул-мўъминин”**¹⁸, Алишер Навоийнинг **“Насойим ул-муҳаббат”**¹⁹, Ибнул Имоннинг **“Шозарат уз-заҳаб”**²⁰,

¹⁶ Амир Иқбол Сейистоний. Чихил мажлис. – Техрон: Интишороти Асотир, 1378. – Б. 185-190.

¹⁷ Abdurrahman Câmî. Nefahat'ül -Üns Min Hazarat'il – Kudüs. – İstanbul: Huzur, 1981. – S.796-802.

¹⁸ Нуруллоҳ Шустарий. Мажолис ул-мўъминин. 2-жилд – Техрон: Китобфуруши Исломия, 1365. – Б. 72-75.

¹⁹ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами: 20 томлик. Т. 17. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 287-292.

Муновийнинг “Ал-кавокиб уд-дурия”²¹⁾, уларда манқабавий мазмун устунлик қилган. Кубравия тариқатининг вакилларида бўлмиш Камолиддин Хусайн Хоразмийнинг “Жавоҳир ул-асрор ва завоҳир ул-анвор”²²⁾га суянган (Карбалоийнинг “Равзат ул-жинон”²³⁾, Маъсум Али Шоҳнинг “Таройиқ ал-ҳақойиқ”²⁴⁾ асарларида эса тарихийлик муҳим ўрин эгаллаган. Тасаввуф тарихида шайх, сўфий, мутасаввиф шоиру адибларнинг ҳаёти, камолотга етишиш йўллари ва кашфу кароматларидан баҳс юритилган бундай тазкиралардан бошқа ҳолот, мақомот, сийра, манқаб ва ёки маноқиблар яратиш ҳам ўзига хос бир анъанага айланган. Шу боис ҳам юқорида зикр этилган тазкиралардан ташқари ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган “Маноқиб Шайх Нажмиддин Кубро” ва “Манқабати Шайхи Кабир” асарлари тадқиқ ва таҳлил этилди.

Шайхнинг тарихий ҳаёти ҳақида маълумотлар жуда кам. Куброшуносликка оид тадқиқотларнинг деярли барчасида Алоуддавла Симнонийнинг “Фазл ат-тариқа” асарига таяниб, унинг ҳижрий 540, мелодий 1145 йилда Хоразмнинг Хевак шаҳрида таваллуд топганлиги қайд этилади. Эрон олими М.Я.Мутлақ (Фозил) унинг падари бузруквори Носириддин Умар ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ бўлиб, у ўз даврининг зиёли ва дарвештаъб кишиси бўлганлигини маълум қилган²⁵⁾. Онасининг исми эса Биби Ҳожар бўлган экан. Зеро, шайхнинг ўзлари ҳам бир рисоласида оналарининг исмларини тилга олмасалар-да, солиҳа аёл бўлганларидан хабар беради²⁶⁾. Ана шундай маърифатли хонадонда дунёга келган Аҳмад бин Умарнинг илк сабоқни ота-онасидан олганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Нажмиддин Кубро Хоразмда илмнинг қайси йўналишида, кимлардан сабоқ олганлиги ҳақида маълумотлар етарли эмас. Аммо асарларини кўздан кечиран эканмиз, шунингдек, айрим тазкиралардаги “Он аст, ки дар анфароне шабоб ба таҳсили ҳукм ва одоб ва истикшофе ҳабойоие асроре китоб ва истилоъи талойеъи фасл ал-хитоб машғул буд...”²⁷⁾, деган таъкидларга биноан унинг калом, адабиёт, фалакиёт, тарих ва хусусан, фикҳ соҳасида ўз юртидаёқ кунт билан илм эгаллаганига ишонамиз. Вояга етган Кубро илм талабида Хоразмдан Хуросонга отланади. Аммо бу сафар маноқибда айтилганидек, “қирқ икки пири комил”нинг “барчасин шариат шаҳрига раҳна солғони”²⁸⁾дан

²⁰⁾ Ибнул Имод. Шозарат уз-заҳаб фий ахбори ман заҳаб. 5-жилд. – Байрут: Дор ул-фикр, нашр йили йўқ. – Б. 78–80.

²¹⁾ Абдуррауф Муновий. Ал-кавокиб уд-дурия. 2-жилд. – Байрут: Дору Садир, 1999. – Б. 370–376.

²²⁾ Gökbülüt S. Kemâleddîn Hüseyin Harezmî ve farsça mesnevî şerhi. – Ankara: İlahiyât, 2018. – S 59–63.

²³⁾ Gökbülüt S. Necmeddîn-i Kübrâ (hayatı, eserleri, görüşleri). – İstanbul: İnsan yayınları, 2010. – S. 84.

²⁴⁾ Маъсум Али Шоҳ. Таройиқ ал-ҳақойиқ. 2-жилд. – Нашр шаҳри йўқ: Китобхонаи Синоний, 1940. – Б. 104–108.

²⁵⁾ Қаранг: Мотлақ М.Я. Правление (вилаят) и святой (вали) в мистицизме шейха Наджм Ад-Дина Кубра и Моулана Джелал Ад-Дина Руми // Международная конференция посвящённая Шейху Наджм Аддину Кубра. Сборник статей. 2-книга. – Ашхабад: Культурный центр Посольства ИРИ в Туркменистане при участии Бюро исламских исследований, 2001. – С. 72.

²⁶⁾ Қаранг: Necmeddîn Kübrâ. Seyr ü süluk risâleleri. – İstanbul: İlk Harf yayınevi, 2016. – S.75–76.

²⁷⁾ Қаранг: Маъсум Али Шоҳ. Таройиқ ал-ҳақойиқ. 2-жилд. – Нашр шаҳри йўқ: Китобхонаи Синоний, 1958. – Б. 104.

²⁸⁾ Қаранг: Маноқиб Шайх Нажмиддин Кубро. 7615/І инвентарь рақамли қўлёзма, 1А ва 1Б бетлар.

кўнгли тўлмаганлиги учун эмас, балки ҳадис илмини ўрганиш учун амалга оширилган эди.

Олимлар Хансорийнинг “Равзат ул-жаннат фий аҳвол ул уламо вас-саодат”ига таяниб, Нажмиддин Куброни айнан Ҳамадонда (тахминан милодий 1172-73 йилларда), Абулфазл Муҳаммад ибн Сулаймон Ҳамадоний дарсларига қатнаб юрган пайтларида тасаввуф билан қизиққан, деб ҳисоблашади. Чунки мана шу вақтда у “Рисолаи Қушайрий”ни ўқиб чиққан ва асарнинг илк саҳифасига ўз қўли билан айрим қайдлар қилган²⁹. Рисоланинг ушбу нодир нусхасини қўлга киритган Хансорий асарнинг Хоразм ҳомийлигидаги Журжонияда ёзилганлигини, унга Шайх Нажмиддиннинг назари тушганлигини маълум қилади. Саудиялик олим Сайид Муъашширхон Косонийнинг таъкидлашича, Нажмиддин Кубро дастлаб ватанига қайтганида мўътазилия мазҳабининг авж олганлигини кўради³⁰, уларнинг бу таълимотни зинҳор қабул қилмасликларини англагач, Маккага жўнаб кетади. У ердан эса Ҳалабга боради ва бир муддат ўша ерда муқим қолади. Шайх иккинчи бор Хоразмга қайтади ва умрининг охирига қадар у ерда фаолият юритади.

Демак, XII асрда мусулмон оламининг турли мамлакатларида тариқат ва тасаввуфнинг кенг ёйилиши мўътазилия мазҳаби ҳукм сурган Хоразмга унчалик таъсир ўтказмаган. Шунингдек, Нажмиддин Кубро туғилган пайтда Хоразмда ҳадисшунослик илми борасида бироз сусткашлик юз берган. Фикримизча, ўз юртида зоҳирий илмларни мукаммал эгаллаган Нажмиддин Кубро айнан ҳадис таҳсили учун сафарга отланади. Тасаввуфга кучли рағбат ҳам ана ўшанда пайдо бўлади.

Нажмиддин Кубронинг илм талабидаги узоқ йиллик сафари ниҳоясига етганида ҳам Хоразмда вазият у қадар ўзгармаган, унда тасаввуфни тарғиб ва ташвиқ этиш имконсиздай эди. Шу боис Нажмиддин Кубро шайхи Аммор Ёсирнинг ватанига қайтиб фаолият юритиш ҳақидаги топшириғига дастлаб эътироз билдиради. Бироқ, охир-оқибатда, Хоразмда унинг муборак номи билан абадийлашган бир тариқат майдонга келди.

Нажмиддин Кубро халқ маънавий ҳаётига ҳам мутасаввиф олим, ҳам бадиий тафаккур соҳиби сифатида чуқур таъсир этган. Буни шайх ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бир қатор агиографик асарларда кузатиш мумкин. Булар:

а) “Тухфат ул-фуқаро фий сийрати Шайх Нажмиддин ал-Кубро”. Ҳожи Халифанинг “Кашф аз-зунун”ида зикр этилган бу асар бешта бобдан иборат;

²⁹ Қаранг: Мотлак М.Я. Правление (вилаят) и святой (вали) в мистицизме шейха Наджм Ад-Дина Кубра и Моулана Джелал Ад-Дина Руми // Международная конференция посвящённая Шейху Наджм Аддину Кубра. Сборник статей. 2-книга. – Ашхабад: Культурный центр Посольства ИРИ в Туркменистане при участии Бюро исламских исследований, 2001. – С.73.

³⁰ Закариё Қазвиний ҳам бу даврда Хоразмда мўътазилия мазҳаби авж олганини қайд қилган. (Қаранг: Пакетчи А. Аналитический обзор основ мистицизма шейха Наджм Аддину Кубра. Международная конференция посвящённая Шейху Наджм Аддину Кубра. 3-книга. – Мешхед: Культурный центр Посольства ИРИ в Туркменистане при участии Бюро исламских исследований, 2001. – С.8). Шайх Нажмиддин Кубро. Шарҳи рисолаи одобул зокирин. – Урганч: Хоразм, 1997. – Б. 9.

б) “Мақомоти Шайх Нажмиддин Кубро”. Тазкиранавис Карбалоийнинг “Равзат ул-жинон”ида Нажмиддин Кубро ва кубравия шайхлари ҳақида маълумот берувчи мазкур асардан бот-бот иқтибослар келтирилган;

в) “Дар сийрати Нажмиддин Кубро”. Улкан шарқшунос Е.Э.Бертельснинг эътиборини жалб этган ушбу асарнинг қўлёзмаси Санкт-Петербург кутубхонасида сақланади;

г) “Маноқиб Шайх Нажмиддин Кубро”. XIX аср халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлмиш бу маноқиб ҳақида илк бор Е.Э.Бертельс, кейинчалик Н.Ҳалимов, А.Қаюмов, Н.Жабборов, М.Сафарбоев ва С.Раҳимов каби олимлар маълумот беришган. Туркменистонда “Шаҳодатномаи Хоразм”, “Хоразм тарихи” ва “Хоразмнома” каби номлар билан ҳам машҳур бўлган ушбу асарнинг ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган тўққизта нусхасини қиёсладик. Натижада, Туркменистонда ва Ўзбекистонда сақланаётган маноқибнинг нисбатан қадимий нусхалари айнан юртимизда эканлигига шубҳа қолмади;

д) рус этнографи Г.П.Снесарев Хоразм экспедицияси чоғида маҳаллий аҳолидан ёзиб олган саргузаштнамо бир манқабанинг ёзма нусхаси бугунги кунга қадар илмий жамоага маълум эмас эди. Тадқиқот жараёнида “Манқабати Шайхи Кабир”нинг иккита ёзма нусхасини аниқладик ва таъдилини нашр эттирдик.

“Маноқиб Шайх Нажмиддин Кубро”ни илк бор тадқиқ этган олимлар, аксарият ҳолда, унда зикр этилган воқеаларни баён қилиш билан чегараланишган. Туркман олими Н.Ҳалимов эса унинг тарихийлик қийматига эътибор қаратади ва асар Рашидиддиннинг “Жомеъ”сидан илҳомланиб ёзилган, деган фикрга келади. Аммо улар маноқибнинг манбаси, ундаги образлар, прототиплар хусусида аниқ бир хулоса беришмаган. Фикримизча, мазкур маноқиб Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот” ва Алишер Навоийнинг “Насойим” асари таъсирида яратилган. Шунингдек, ундаги мулла Абдурахмоннинг прототиби Нажмиддин Кубронинг халифаси Шайх Разииддин Али Лоло, бирваракай учта образ – шахзода Абдуллоҳ, Бағдод табибининг ўғли Жамилжон ва жуҳуд болакайнинг прототиби эса Шайхи Валитарошнинг иккинчи бир халифаси Шайх Мажидиддин Бағдодийдир.

Маълумки, Шайх Нажмиддин Кубронинг вафот тарихи хусусида илмда зиддиятли фикр-мулоҳазалар айтилган. Бу ҳол айрим тарихий, шу билан бирга, илмий тадқиқотларда ҳам ўз аксини топган. Биз ҳам бир неча тарихий манбаларга, шунингдек, Шайх Нажмиддин Кубронинг халифалари бўлмиш Нажмиддин Доя ва Алоуддавла Симнонийларнинг маълумотларига асосланиб, Нажмиддин Кубронинг 1221 йил мўғуллар томонидан шахид этилиши энг ишончли маълумот, деган қарорга келдик. Бу борада шоҳ ва шоир Муҳаммад Шайбонийнинг таърихидан бошқа ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган Аҳмад Кашмирийнинг “Шажарайи табақоти машойих” асарида келтирилган таърихларни ҳам эътибордан соқит қилмадик.

“Нажмиддин Кубронинг тасаввуфий-адабий асарлари” деб номланган иккинчи боб шайхнинг илмий-адабий мероси талқинига бағишланди. Шуни

алоҳида таъкидлаш жоизки, яссавия, нақшбандия тариқати асосчиларининг асарларига қараганда, Нажмиддин Кубронинг бизгача етиб келган рисоалари сони нисбатан кўпроқдир. Ва кубравия тариқатининг шаклланиш тарихи, одоб-аркони, тарбия усуллари ҳақида аниқ тасаввур берувчи нодир манба ҳам, албатта, мана шу китоблардир. Уларнинг сони ҳақидаги маълумотлар хилма-хилдир. Эрон тадқиқотчиси М.Р.Исфандиёр шайх асарларининг адади 60 дан зиёд бўлиб, улардан айримларигина бугунгача етиб келганлигини айтса³¹, яна бир эронлик олим Т.Субҳоний шайхнинг “Рисола илал ҳоим” асарини нашрга тайёрлар экан, китоб муқаддимасида унинг араб ва форс тилида ёзган 32 та асарини инвентарь рақамлари билан кўрсатиб беради³². Бугунги турк куброшуноси С.Гўкбулут ҳам Эрон, Туркия ва Озарбайжондаги шайхга оид ҳисобланган асарларни ўзаро муқояса қилади, уларнинг турлича ном билан аталишига аниқлик киритиб, араб тилидаги 10 та ва форс тилидаги 7 та асар, шубҳасиз, шайх қаламига мансублигини қайд этади. Ва, ниҳоят, ифода ва услуб тарзи, ёритилган мавзулар кўлами ва матн моҳиятига таянган ҳолда 15 та асарни Куброники эмас деб ҳисоблайди. Кубронинг замондоши ва айрим нақлларга кўра муриди саналган Фаридиддин Аттор ўзининг “Мазҳар ул-ажойиб ва мазҳар ул-асрор” асарида Нажмиддин Кубро ҳақида шундай деган экан: “... у тасаввуфнинг билимдони эди...Тасаввуф ҳақида кўп асарлар битган, уларнинг адади 30 тадир...”³³ Дарҳақиқат, дунёнинг бир қанча йирик кутубхоналарида шайхнинг ўнлаб асарлари сақланмоқда. Биз эса ишда Нажмиддин Кубронинг 17 та асарига диққатни жалб этишга уриндик. Бу асарлар адади қарийб йигирматани ташкил этса-да, юртимизда унинг иккита арабий ва битта форсий асари қўлёзмаси сақланмоқда:

а) муқаддима ва саккиз фаслдан иборат “Минҳож ус-соликин” ихчам бир рисола бўлиб, ўзининг бадияти билан Кубронинг бошқа асарларидан тамомила фарқ қилади;

б) тўртта мустақил бобдан ташкил топган “Иршод ут-толибин” асари, фикримизча, моҳиятан шайх Абдулкарим Қушайрийнинг “Рисола” асарини эслатса-да, у ҳанузгача бирон бир тилга таржима қилинмаган. Унинг бугунга қадар атиги иккита қўлёзма нусхаси етиб келган. Ана шу нодир қўлёзмаларнинг бири юртимизда сақланаётганлиги улуғ шайх меросини ўрганмоқчи бўлганлар учун зўр имкониятдир;

³¹ Қаранг: Исфандиёр М.Р. Библиография и характеристика некоторых произведений шейха Наджм Аддина Кубра и сочинений о нём. Международная конференция посвящённая шейху Наджм Аддину Кубра. 4-книга. – Мешхед: Культурный центр Посольства ИРИ в Туркменистане и Бюро исламских исследований Организации исламской культуры и связи, 2001. – С. 5.

³² Қаранг: Мотлак М.Я. Правление (вилаят) и святой (вали) в мистицизме шейха Наджм ад-дина Кубра и Моулана Джелал ад-дина Руми насилия // Международная конференция посвящённая Шейху Наджм Аддину Кубра. 2-книга. – Ашхабад: Культурный центр Посольства ИРИ в Туркменистане при участии Бюро исламских исследований 2001. – С. 76.

³³ Қаранг: Мотлак М.Я. Правление (вилаят) и святой (вали) в мистицизме шейха Наджм ад-дина Кубра и Моулана Джелал ад-дина Руми насилия // Международная конференция посвящённая Шейху Наджм Аддину Кубра. 2-книга. – Ашхабад: Культурный центр Посольства ИРИ в Туркменистане при участии Бюро исламских исследований 2001. – С. 75–76.

в) етти фаслдан таркиб топган “Ҳафт боби шайх Нажмиддин Кубро дар одоби сулук” (“Одоб ус-сўфия”) асари Эрон ва Туркияда нашр қилинган бўлса-да, ҳалигача ўзбек тилига таржима қилинмаган.

Шунингдек, кубравия тариқатининг одоб-аркони баён қилинган араб тилидаги “Усул ал-ашара” рисоласи, шу тариқатнинг ҳамадония шаҳобчасига асос солган Саййид Али Ҳамадоний (ваф. 786/1385) томонидан “Даҳ қоида” номи билан форс тилига таржима қилинган. Ушбу асар ишқ ва жазбага асосланган барча тариқат вакиллари учун бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилади. Шу боис ҳам у кубравия, нақшбандия, халватия ва жалватия шайхлари томонидан қайта-қайта шарҳ қилинади. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида ушбу асарнинг Абдулғафур Лорий томонидан ёзилган шарҳи мавжуд. Асар Саййид Али Ҳамадонийдан ташқари XVII асрда диёри Ҳиндда яшаб ижод этган Хожа Муҳаммад ибн Маҳмуд Дехдор Шерозий томонидан ҳам форс тилига таржима қилинган.

Демак, “Усул ал-ашара”нинг иккита таржимаси ва тўртта шарҳи мавжуд. Ушбу тўртта шарҳдан иккитаси ўзбек китобхонлари ва илмий жамоа эътиборига ҳавола қилинган.

ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган, феҳрист ва қўлёзмада Нажмиддин Кубро қаламига мансуб, дея қайд қилинган 203 байтлик “Ҳикояти бесарнома” маснавийси ҳақида эса шундай деймиз: ушбу шеърӣ асарнинг жузӣӣ фарқли нусхаси каталогда Фаридиддин Атторга мансуб, дея кўрсатилган. Шунингдек, дунё куброшунослари тадқиқотларининг бирортасида ҳам бу асарга муносабат йўқ. Демак, ушбу манзум асар Шайх Нажмиддин Кубро қаламига оид эмас.

Нажмиддин Кубро бир қатор рисоаларида тасаввуф адабиётида кенг қўлланилган рамз ва истилоҳларнинг сўфӣӣлар томонидан нималарга ишорат қилинишини шарҳлаган. Масалан, асо ғурбат қамчиси, хуржун асрор хазинаси, илм ва ҳол сандиғини ифодаласа, қумғон, ибриқ ва кўлоҳ ишқ ва шавқнинг рамзидир. Шу маънода бу асарлар сўфӣена адабиётни, хусусан, шеърӣятни, ундаги мажозларни англаш ва талқин қилишда калит вазифасини ўташи шубҳасиз.

Шунингдек, тасаввуф арбобининг шахсий тажрибаларини “Рисола фил-халва” ва “Фавойиҳ ул-жамол”да ўзига хос тарзда баён қилиши ғарб ва шарқ тадқиқотчиларининг диққат-эътиборини жалб қилган, натижада, Нажмиддин Кубро тасаввуф тарихида кашфларни ранг воқеликлари орқали изҳор этган илк мутасаввиф эканлиги эътироф этилган эди. Фикримизча, бу ўзига хослик улкан бир кубравий адабиётни яратган тариқат вакиллариининг адабий ва бадий асарларида ҳам акс этган. Шу маънода Нажмиддин Розий, Мажидиддин Бағдодий, Сайфиддин Бохарзий, Абулвафо Хоразмий, Камолиддин Ҳусайн Хоразмий каби шайх-шоирларнинг адабий меросини айнан Нажмиддин Кубро бошлаб берган ғоявий-ирфоний тамойиллардан келиб чиқиб тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг “Нажмиддин Кубронинг шеърӣятга муносабати ва шеърӣ мероси” деб номланган учинчи бобида мунозарали бир мавзуга тўхталиб ўтилди. Бу эса, тариқат асосчиси, яъни Кубронинг шоирлигидир.

Чунки унинг асосан рубоийлардан иборат шеърлари мажмуа ҳолида сақланиб қолмай, балки турли манбалардан ўрин олгандир. Йирик шарқшунос олим Е.Э.Бертельс саккизта баёз ва тазкиралардан Кубронинг йигирма бешта рубоийсини жамлаган ва 1924 йилда нашр эттирган эди. Орадан маълум бир вақт ўтгач – 1967 йилда М.Муҳсиний Эрон кутубхоналарида сақланаётган “Райҳонат ул-одоб”, “Тазкираи Арафот”, “Субҳи Гулшан”, “Мажмаи фусаҳо”, “Мажолис ун-нафоис”, “Сафинаи хушгў” каби ўндан ортиқ қўлёзма баёз ва тазкиралардаги Нажмиддин Кубронинг 37 рубоий, иккита қитъа ва фардини илмий жамоатчиликка маълум қилади. Туркменистонлик олим Н.Ҳалимов бу рубоийлар қаторига яна бир тўртликни киритганини ҳисобга олсак, қўлимиздаги Нажмиддин Кубро рубоийларининг сони ҳозирча қирқтани ташкил этади. Е.Э.Бертельс 25 та рубоийнинг атиги биттаси сайёр эканлигини қайд этган бўлса, адабиётшунос Э.Очилов улардан учтасининг сайёрлигини айтган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, шайхнинг шоирлиги борасидаги баҳс-мунозаралар ҳануз узил-кесил ечимини топмаган. Чунончи, турк олими М.Қора унинг шоирлигига шубҳа билдиради ва: “Фавойих ул-жамол”дек бошдан-охир нозик ва психологик таҳлилларга тўлиқ бир асарда шеърга ўрин берилмаслиги ғалатдир”, – дейди. Адабиётшунос И.Ҳаққулнинг фикрича эса, айнан “Фавойих”даги юксак бадий услуб, бетакрор тасвир ва баёнлар Кубронинг шоирлигига далолат қилувчи асосдир.

